



Global Support Local Knowledge

# NAZORAT-AUDIT

## AUDITING COMPANY

№ 4/239-Т  
«15» апрель 2016 й.

«ENERGOTA`MIR» Maxsus ta`mirlash-ishlab  
chiqarish AJ *раҳбариятига*  
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўйнок  
кўчаси, 201уй, СТИР 200838003

### Ижобий Аудиторлик Хулосаси

Маъсуляти Чекланган Жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан «ENERGOTA`MIR» Maxsus ta`mirlash- ishlab chiqarish акциядорлик жамиятининг 2015 йил 1 январидан 2015 йил 31 декабрига қадар бўлган даври учун тузилган қуйидаги таркибдаги молиявий ҳисоботи текширилди:

- Бухгалтерия баланси - 1-шакл;
- Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл;
- Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот-4-шакл
- Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот-5-шакл

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти жавобгар ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти мазкур молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун жавоб беради.

Биз аудиторлик текширувини АФМАга мувофиқ ўтказдик. Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз мумкинлигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Биз томонимиздан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект- «ENERGOTA`MIR» Maxsus ta`mirlash- ishlab chiqarish акциядорлик жамиятининг 2015 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «NAZORAT AUDIT»  
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



*(Handwritten signature)*  
**Назаров Б.Н.**  
(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги  
томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)

*(Handwritten signature)*  
**Назаров Б.Н.**  
(2014йил 26 апрель куни Молия Вазирлиги  
томонидан берилган 05207-сонли сертификат.)